

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎРАХЎЖАЕВА ШИРИНХОН НОДИР ҚИЗИ

**Олинаётган қотишма таркибидаги газ қўшимчаларини камайтириш
орқали структурани яхшилаш учун алюминий қотишмаларини эритиш
технологияси ва флюс таркибини ишлаб чиқиш**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймакорлик. Металларга термик
ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси.
Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси (қуймачилик ва металларга
ишлов бериш технологияси йўналиши)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тўрахўжаева Ширинхон Нодир қизи

Олинаётган қотишма таркибидаги газ қўшимчаларини камайтириш орқали структурани яхшилаш учун алюминий қотишмаларини эритиш технологияси ва флюс таркибини ишлаб чиқиш.....3

Турахужаева Ширинхон Нодир қизи

Разработка состава флюса и технологии плавки алюминиевых сплавов для улучшения структуры за счет снижения газовых включений в получаемом расплаве23

Turakhujaeva Shirinkhon Nodir qizi

Development of a flux composition and technology for melting aluminum alloys to improve the structure by reducing gas inclusions in the resulting melt43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎРАХЎЖАЕВА ШИРИНХОН НОДИР ҚИЗИ

**Олинаётган қотишма таркибидаги газ қўшимчаларини камайтириш
орқали структурани яхшилаш учун алюминий қотишмаларини эритиш
технологияси ва флюс таркибини ишлаб чиқиш**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймакорлик. Металларга термик
ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси.
Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси (қуймачилик ва металларга
ишлов бериш технологияси йўналиши)**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Г2291 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкентдаги Турин политехника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг (www.tdtu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Сайдахмедов Ровшан Ҳолходжаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Зиямухамедова Умида Алижоновна
техника фанлари доктори, профессор

Атажанов Гапур Латибович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Фаргона политехника институти

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» декабрь соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси 2-уй. Тел/факс.: (99871) 277-10-32, e-mail: (tadqiqotchi@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (232 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси 2-уй. Тел/факс.: (99871) 277-10-32).

Диссертация автореферати 2021 йил «09» декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил «09» декабрдаги № 130 рақамли реестр баённомаси).




К.А. Каримов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор


Ш.Б. Ташбулатов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, техника
фанлари бўйича фалсафа доктори


Н.С. Дуняшин
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда алюминий қотишмаларини суюқлантиришда ресурс ва энергия тежамкорлигини таъминлайдиган технологиялар ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга алюминий қотишмаларини суюқлантиришда газ қўшимчалари билан тўйинишининг олдини олиш учун иссиқлик алмашинув жараёнини ҳисобга олган ҳолда эффектив технология ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бир қаторда газлар билан алюминий қотишмалари тўйинишининг олдини олишга хизмат қилувчи флюс таркибини ишлаб чиқиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борада дунёнинг қатор мамлакатларида, жумладан саноати ривожланган АҚШ, Канада, Германия, Франция, Корея, Япония, Россия, Украина ва Хитой давлатларида алюминий қотишмаларини суюқлантиришда сифатли қотишмалар олиш технологиясини яратиш ва татбиқ этиш ишлари юқори суръатларда амалга оширилмоқда ва буларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда алюминий қотишмаларини суюқлантиришда технологияларни такомиллаштириш ва янги технологиялар яратиш, алюминий қотишмаларини суюқлантириш учун қўлланиладиган флюсларнинг янги ва самарали таркибларини ишлаб чиқиш, флюсни қотишма таркибига киритишнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан МДХ давлатларида, жумладан Россия, Украина ва Ўзбекистонда алюминий қотишмаларини суюқлантиришда ресурс тежайдиган технологияларни қўллаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, алюминий қотишмаларини суюқлантиришда унинг кислород ёрдамида оксидланишининг ва газлар билан тўйинишининг олдини оладиган флюс таркибини ишлаб чиқиш зарур вазифа ҳисобланади.

Республикамизда алюминий қотишмаларини суюқлантириш технологиясини такомиллаштириш, қуйма усулда олинадиган алюминий деталларининг хизмат муддатини ошириш ва қотишма структурасида газ қўшимчаларини камайтиришни таъминлайдиган суюқлантириш флюсларининг таркибини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чоратадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жумладан «... макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»¹¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, суюқлантириш жараёнини такомиллаштириш, алюминий қотишмаларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

эритишда қотишма таркибидаги газ қўшимчаларини камайтиришга хизмат қиладиган флюсларнинг арзон ва самарали таркибини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ- 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилнинг 31 январидagi 22-сон «Нексия автомобилларининг алюминий қотишмаларидан ясалган генератор ва мотор кронштейнларини локаллаштириш»даги Қарорида, 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон “2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг етакчи олимлари алюминий қотишмаларини эритишнинг янги технологияларини яратиш ва мавжуд технологияларни такомиллаштириш, эритишда қўлланиладиган ҳимоя қобиғини янада самаралироқ таркибини ишлаб чиқиш, алюминий қотишмаларини эритиш учун ҳимоя қобиқларини қўллаш технологиясини ишлаб чиқдилар.

Калифорния (АҚШ) ва Жинан университети (Хитой) қўшма тадқиқот гуруҳи Min Zuo, Maximilian Sokoluk, Chezheng Cao, Jie Yuan, Shiqi Zheng, Xiaochun Li (Department of Mechanical and Aerospace Engineering, University of California Los Angeles, California), Min Zuo (School of Materials Science and Engineering, University of Jinan, Jinan, 250022, People’s Republic of China) алюминий қотишмаларининг хоссаларини яхшилаш борасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар ва қўшимча сифатида TiC (20 мкм) нанозарраларидан фойдаланиб, юқори эриш ҳароратига эгаллиги, юқори мустаҳкамлиги, иссиқда кенгайишининг паст коэффиценти ҳисобига механик хоссаларининг ошишига эришдилар (қаттиқлик 110HV дан 180HVга). Алюминий оксидининг эритмада пайдо бўлиши ва газ қўшимчаларининг эритмада тарқалишини аниқлаш устида Канада орлимлари Т.А. Utigard, R.R. Roy ва К. Friesen шуғулланиб бир канча тажрибалар ўтказганлар. Табиий газнинг ёниш маҳсулотлари сув буғини ўз ичига олиши ва сув билан бўлган реакциянинг муқаррарлигини ҳисобга олган ҳолда алюминий эритмаси юзасига сув буғининг таъсирини камайтириш орқали металл таркибидаги газ ғовакларининг миқдорини 6-8% га камайтиришга эришганлар. Буюк Британия ва Италия олимларидан ташкил топган гуруҳ, Annalisa Pola, Marialaura Tosci and Plato Karpanos, ярим қаттиқ металлни юқори иситиш тезлигида қайта ишлаш ва секин совутиш орқали қотишма структурасининг шарсимон ҳолатга

келишига сабаб бўлиши асосида механик хоссаларнинг яхшиланишига эришилган. Эритма намланишининг олдини олиш мақсадида Германия изланувчиси Jean Ducrocq эритма юзасидаги кўпикни доимий равишда олиш асосида ҳамда оксид қобик иссиқлик ўтказиш коэффицентини камайтиришини таъминлаш ҳисобига энерготежамкорликни 6-7% га оширишга эришган. Хитойлик тадқиқотчилар Zang Liguо, Van Wenhong, Ma Tao, Fan Jianhai, Wang Huilin, Hao Lirong, Chen Shao Long, Ma Mingming, Chjao Nana алюминий қотишмаларига ишлов беришда қўлланиладиган химоя қобиғининг натрийсиз таркибини ишлаб чиққанлар. Унинг таркиби калий фтороалюминат (15-25) (%), кальций фторид (5-15%), шувоқ тузи (10-25%), калий сульфат (10-25%), барий сульфат (5-15%), репон калий (15-30%) ва сувсиз алюминий хлорид (3-5%)дан иборат бўлган. Харбин университети олими Zongyan Chjan флюснинг янги таркиби учун патент олган. У калий хлорид (20-65% масса бўйича), натрий хлорид (20-65%), литий хлорид (1-20%), калий фторид (огирлиги бўйича 0,3 -5%) ва натрий гидросульфат (огирлиги бўйича 0,2-3%) эга таркиб ишлаб чиқган ва алюминий оксиди таркибидан алюминий металлининг ажралиш фоизини оширишга эришган.

МДХ мамлакатлари изланувчилари химоя флюсларини қўллашнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қатор тадқиқотлар ўтказганлар. Беларусь Миллий техника университети олимлари С.П.Задруцкий, Г.А.Румянцева, Б.М.Немененок, И.А.Горбель алюминий қайта ишлаш самарадорлигини ошириш учун флюс таркибида карбонат қўшимчаларидан фойдаланганлар. Анъанавий таркибга эга флюсдан фойдаланиш натижасида эритиш жараёнининг технологик ва экологик шароитлари сезиларли даражада ёмонлашишини эътиборга олган ҳолда эритма массасининг 0,5% миқдоридида $13\% \text{KCl} + 55\% \text{NaCl} + 17\% \text{Na}_3\text{AlF}_6 + 10\% \text{Na}_2\text{CO}_3 + 5\% \text{CaCO}_3 * \text{MgCO}_3$ таркибидаги карбонат тузларидан фойдаланиш хлорид ва фторид эмиссиясининг сезиларли даражада камайишига ва чанг миқдорининг 20% гача камайишига эришилган. Россиялик олимлар, жумладан Самара миллий тадқиқот университети тадқиқотчилари С.В. Воронин ва П.С. Лобода ўзига хос механик хоссалари юқори бўлган, ғовак структурага эга алюминий қотишмаларини ишлаб чиқариш усулларини ишлаб чиққанлар. Покистон университети профессори Р.Набибуллаҳ денгиз чиғанокларидан флюс сифатида фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб борган ва денгиз чиғанокларини майдалаб кукун ҳолатида куйма қолипида қўллаш натижасида эритманинг ушбу филтрдан ўтиши оқибатида нометалл ва газ қўшимчаларининг миқдорини 14-16% га камайтиришга эришган.

Ўзбекистон тадқиқотчилари доцент Э.Х.Туляганов, профессор Н.Д.Тураходжаев ва доцент Т.Х.Турсуновлар ўз тадқиқот ишларида электршлак печларида химоя қобиғи сифатида графит таркибли электродлар билан биргаликда 3-4 мм қалинликдаги синиқ шишалари (SiO_2 , CaO , Na_2O)дан фойдаланганлар. Ушбу технология натижасида углерод билан тўйиниш натижасида куймадаги газ қўшимчаларининг миқдорини 12-14% га камайтиришга эришилган. Профессор Ю.Н.Мансуров алюминий

қотишмаларини шибба ташкил этувчиларидан тозалаш технологиясини ишлаб чиқиши натижасида алюминий қотишмаларининг оқувчанлигини 7-8% га оширишга эришган.

Ҳимоя материаллари ва технологияларидан фойдаланиш натижасида алюминий қотишмаларини эритиш соҳасида эришилган катта ютуқларга қарамай, кўплаб ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд. Масалан, шихта эритиш жараёнида газ қўшимчаларининг миқдорини минимал даражада сақлашни таъминлайдиган алюминий қотишмаларини эритиш учун флюс таркиби ишлаб чиқилмаган. Деярли барча тадқиқотларда флюс эритма ваннасининг юза қисмида ҳимоя қатлами сифатида ёки эритма таркибида дегазатор вазифасида қўлланилган. Тадқиқотларнинг асосий қисми металл ва атмосфера ўртасидаги физик-кимёвий жараёнларга қаратилган бўлиб, оксид қобикнинг яхлитлиги бузилиши натижасида оксид ва газ қўшимчаларининг эритма таркибига кириш жараёнлари ўрганилган. Эритма ва жараёнлар натижасида ҳароратнинг ўзгаришида таркибий қисмнинг хусусиятига бўлган таъсири ҳисобга олинмаган. Флюс таркибий қисмларининг эритма ва атмосфера билан ўзаро таъсири жараёнини компонентларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган, бу эса долзарб ва илмий-амалий вазифа ҳисобланади.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан ўзаро боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкентдаги Турин техника университетининг ва Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация марказининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига биноан №2-18 рақамли «Алюминий қотишмаларини суюқлантиришда газ қўшимчаларини камайтириш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2019 йй).

Тадқиқотнинг мақсади Алюминий қотишмаларини эритиш жараёнида ҳосил бўлган эритма таркибида газ қўшимчалари миқдорини камайтиришни таъминлайдиган флюс таркибини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагидан иборат:

алюминий қотишмасини суюқлантириш учун унинг таркибида газ қўшимчаларини камайтиришга хизмат қиладиган флюс таркибини ишлаб чиқиш;

алюминий қотишмаларини суюқлантиришда флюсни қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш;

алюминий қотишмасини ҳимоя флюси билан ишлов беришнинг иссиқлик режимини ишлаб чиқиш;

газ қўшимчаларининг алюминий қотишмасига сингишини камайтиришни таъминлайдиган флюсни қотишмага киритиш технологиясини ишлаб чиқиш;

суюқ алюминий қотишмасини печь ичида ва печдан ташқари флюс билан ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида АЛ9 ва АК5М2 маркали алюминий қотишмалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида алюминий қотишмаларини флюс остида эритиш натижасида газ ва оксид қўшимчалари билан тўйиниш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Олинган қотишманинг миқдорий кўрсаткичларини ўрганишда оксид ва газ қўшимчаларининг миқдорий кўрсаткичлари экстракция усули билан аниқланган, қотишма таҳлили UV-VIS-NIR маркали оптик спектроскопия ёрдамида амалга оширилди; нурларнинг ўтиши асосида SEM-EDX маркали сканерлаш электрон микроскопи ёрдамида қотишманинг микро тузилиши ўрганилди; қотишманинг механик хоссалари ва структураси Empyrean Malvern Panalytical дифрактометри орқали ўрганилди, газ ғовакларини аниқлаш учун ғоваклик шкаласидан фойдаланилди, кимёвий таркибнинг лаборатория синовлари мураккаб сканерловчи электрон микроскоп (Carl Zeiss EVO-MA-10) ёрдамида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- алюминий қотишмасини суюқлантириш учун унинг таркибида газ қўшимчаларини камайтиришга хизмат қиладиган флюс таркиби кимёвий элементларнинг кимёвий активлиги асосида ишлаб чиқилган;

- алюминий қотишмаларини суюқлантиришда флюсни қўллаш технологияси флюс ташкил этувчилари билан алюминий қотишмасининг ташкил этувчилари орасидаги кимёвий реакциялари асосида ишлаб чиқилган;

- алюминий қотишмасини ҳимоя флюси билан ишлов беришнинг иссиқлик режими флюс ташкил этувчиларининг кимёвий активлигининг ўзгариши асосида ишлаб чиқилган;

- газ қўшимчаларининг алюминий қотишмасига сингишини камайтиришни таъминлайдиган флюсни қотишмага киритиш технологияси печь атмосфераси билан суюқ қотишма орасидаги иссиқлик алмашинув жараёни асосида ишлаб чиқилган;

- суюқ алюминий қотишмасини печь ичида ва печдан ташқари флюс билан ишлов бериш технологияси суюқ қотишманинг физик ҳолати асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

алюминий қотишмаларини суюқлантириш учун ишлаб чиқилган ҳимоя флюси газ қўшимчаларининг миқдорини 6-8% га камайтириш имконини берган;

флюснинг алюминий қотишмасига кириш технологияси қотишма таркибидан водородни чиқариш самарадорлигини 10-12 % га ошириш имконини берган;

алюминий қотишмасига ишлов беришнинг иссиқлик режими қотишманинг кислород ва водород билан тўйинишини 16-18% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аниқ қўйилган вазифа асосида олинган, алюминий қотишмасини флюс билан ишлов бериш технологик жараёнини ишлаб

чиқишда экспериментал тадқиқотларнинг кўплиги ва экспериментларни математик режалаштириш усулини кўллаб, экспериментлар натижаларининг математик асосда қайта ишлов берилиши замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш асосида аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти алюминий қотишмасининг таркибий қисмлари билан флюснинг таркибий қисмларининг кимёвий реакциялари асосида алюминий қотишмаларини эритиш учун флюснинг янги таркибини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эритма таркибидаги газ кўшимчаларининг камайиши ва қуйма маҳсулотлари сифатининг ошишини таъминлайдиган ишлаб чиқилган флюс таркибини жорий этиш натижасида олинадиган иктисодий самарадорликдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алюминий қотишмаларини суюқлантиришда олинадиган қотишма таркибидаги газ кўшимчаларини камайтириш ҳисобига структурани яхшилаш учун флюс таркибини ва технологияни ишлаб чиқишда олинган натижалар асосида қуйидагилар ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди:

- алюминий қотишмаларини эритиш учун флюс таркиби «UzAuto-Inzi» МЧЖ ҚКга жорий этилди («UzAuto» АЖнинг 06 сентябрь 2021 йилдаги №15/06-25-1565-сон маълумотномаси). Жорий этиш натижасида алюминий қотишмалари таркибидаги газ кўшимчаларининг миқдори 6-8% га камайган;
- алюминий қотишмаларини эритиш жараёнида флюс юклаш технологияси «UzAuto-Inzi» МЧЖ ҚКга жорий этилди («UzAuto» АЖнинг 06 сентябрь 2021 йилдаги №15/06-25-1565-сон маълумотномаси). Технологияни жорий этиш натижасида водород газининг эритма таркибидан чиқиб кетиш тезлиги 10-12% га ошган;
- алюминий эритмасини флюс билан ишлов беришнинг термик режими «UzAuto-Inzi» МЧЖ ҚКга жорий этилди («UzAuto» АЖнинг 06 сентябрь 2021 йилдаги №15/06-25-1565-сон маълумотномаси). Термик ишлов бериш режимини жорий этиш натижасида кислород ва водороднинг алюминий эритмасига сингиши 16-18% га камайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг тадқиқот натижалари 12 та, шу жумладан 8 та халқаро ва 4 та республика конференциялари ва симпозиумларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 40 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий ишларида 8 та мақола, 5 та Хорижий журналлар (1 та Scopus)да нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари таснифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва асосий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Алюминий қотишмалари сифатини ошириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида саноатда шлакларни қайта ишлашнинг мавжуд технологиялари, шлак ҳосил бўлиш жараёнлари, шлакнинг физик-кимёвий хоссалари бўйича тадқиқотларга багишланган ишлар кўриб чиқилди, шунингдек, уларнинг қайта қўлланилиши бўйича муаммоларнинг ҳозирги ҳолати кўриб чиқилди.

Хорижий ва Республика олимлари томонидан алюминий ва унинг қотишмаларини флюс билан қайта ишлаш технологияси соҳасида олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Қаттиқ флюслар асосан хлорид ва фторид тузларининг аралашмаси бўлиб, уларнинг махсус хоссаларини таъминлайди. Асосан флюслар калий ва натрий хлоридлар аралашмасига асосланган бўлиб, улар паст ҳароратли (665°C) эвтектикани ҳосил қилади. Флюсларнинг яна бир кенг тарқалган таркибий қисми NaF бўлиб, у KCl ва NaCl билан учламчи эвтектика (607°C) ҳосил қилади. Бунда алюминийнинг эриш ҳарорати (Техник жиҳатдан тоза) $655\text{--}660^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Ишлаб чиқаришда алюминий қотишмаларининг эриш жараёни учун ҳимоя флюсларини ишлаб чиқариш муҳим ҳисобланади. Оддий ҳимоя флюси асосан $47,5\% \text{NaCl}$, $47,5\% \text{KCl}$ ва 5% фтор тузларидан ташкил топади. Паст эриш ҳарорати флюснинг оқувчанлик хусусиятини оширади. Яна бошқа ҳимоя флюсларининг асосини $\text{MgCl}_2\text{-KCl}$ тузлар аралашмаси ташкил қилади ва 424°C қуйи эвтектикани ҳосил қилади. Ёки 485°C ҳароратда эрийдиган карналлит ($\text{MgCl}_2 \cdot \text{KCl}$) тузидан иборат бўлади.

Юқоридаги ҳимоя флюслари юқори оқувчанликка эга ва эритма юзасида юпқа қатлам ҳосил қилади. Аммо магний тузлари қимматлиги боис уни асосан натрий элементи бўлмаган таркибли флюс таркибида 2% атрофида алюминий қотишмалари учун қўлланилади.

Кўриниб турибдики, диссертация ишида кўриб чиқилган, алюминий қотишмаларини эритиш жараёнида газ қўшимчаларининг минимумлигини таъминлайдиган флюс таркибини ишлаб чиқиш муаммоси етарлича ўрганилмаган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектини танлаш ва методикасини ишлаб чиқиш**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари танлаб олинган, фойдаланилаётган материалларнинг асосий физик-кимёвий хоссалари, шунингдек, ўрганиш учун замонавий физик-механик, кимёвий ва

физик-кимёвий усуллар ва жихозлар (IR-спектроскопия, электрон микроскопия, заррачалар ҳажмий таҳлили)дан фойдаланганлик тўғрисида маълумотлар берилган.


Тадқиқот иши натижасида олинган намуналар микротаҳлили сканерловчи электрон микроскоп (SEM-EDX)да амалга оширилган. Намуна юзаси бўйлаб элементлар жойлашуви ва чизиқ бўйлаб элементлар анализи график тарзда (автоматик ва қўлда) кўриб чиқилган. Усулнинг самарадорлиги тўлиқ оптик спектроскопия (ютилиш, узатиш, акс эттириш, кинетика, ранг) ёрдамида оптик таҳлил қилинган. Кўплаб материаллар - қаттиқ, плёнка, суюқ, газсимон, композит- Япония спектрометри (spectrophotometer shimadzu) ёрдамида акс эттирилган (185 дан 3300 нм гача бўлган спектрал диапазон такдим этади) 2 ёруғлик манбаи ва 3 та нурланиш детектори 0,1 нм дастурий таъминот uv-probe 2.00 (windows-7 prof / vista business) дунёдаги энг паст шовқин ва ёруғлик тарқалиш даражаси энг юқори сезувчанликни таъминлайди 0,00003 (~ mkg / L), энг юқори концентрация диапазони таминлабберади.

Диссертациянинг «**Алюминий қотишмаларини суюқлантиришда газ қўшимчаларини камайтиришни таъминлайдиган флюс таркибини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи боби да флюс таркибини ишлаб чиқиш ва эритмага флюс юклаш технологияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Алюминий қотишмаларини эритишда газ қўшимчаларини камайтириш учун технологияни ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришдан олдин тажриба ишларини режалаштирамиз:

1. Алюминий қотишмаларида газ қўшимчаларига флюс таркибининг таъсирини аниқлаш учун илмий-тажриба ўтказиш.
2. Алюминий қотишмаларида газ қўшимчаларига флюс юклаш технологияси таъсирини аниқлаш учун илмий-тажриба ўтказиш.
3. Алюминий қотишмаларида газ қўшимчаларига шихтанинг эриш жараёнининг таъсирини аниқлаш учун илмий-тажриба ўтказиш.
4. Алюминий қотишмаларида газ қўшимчаларига печдан ташқари флюс билан ишлов беришнинг таъсирини аниқлаш учун илмий-тажриба ўтказиш.
5. Алюминий қотишмаларида газ қўшимчаларига маълум ҳарорат режими асосида флюс билан ишлов беришнинг таъсирини аниқлаш учун илмий-тажриба ўтказиш.
6. Алюминий қотишмаларининг газ қўшимчаларига ишлаб чиқилган флюс таркибини қўллаш самарадорлигини аниқлаш учун қиёсий таҳлил ўтказиш.

«UzAuto-Inzi» МЧЖ ККда ишлаб чиқариш шароитида алюминий қотишмаларида газ қўшимчаларининг сингишини камайтириш учун флюс таркибини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилди. Шу мақсадда корхонанинг қуёв цехида қуввати 2500 кг/соат бўлган газ печларидан фойдаланилди.

Турли кимёвий элементларнинг таъсирини ўрганиш мақсадида турли ҳароратда элементлар хоссаларини аниқлаймиз. Масалан, 20-24 С ҳароратда



Келтирилган маълумотлар асосида алюминий эритмаси таркибида водород ва литий элементларининг таъсирини кўриб чиқамиз. 3.1-расмда эритма таркибидаги водород миқдорининг литий миқдорига бўлган таъсири кўрсатиб ўтилган.




3.1- расм. Қотишма таркибидаги водород миқдорининг литий миқдорига боғлиқлик графиги.

Олинган натижалар асосида шундай хулоса қилиш мумкин: ковш ичидаги ва эритма юзасидаги ҳимоя қобиғида литий миқдорининг ошиши билан водород миқдори ошиб боради (3% гача) кейин камайиб боради.

Печь ичида ҳимоя қобиғи сифатида ҳамда шихта юклаш жараёнида водород миқдори деярли ўзгармайди. Бу ерда флюс шихта билан биргаликда юкланиш жараёнида водород миқдори паст бўлади.

Юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда литий миқдорининг ўзгаришининг водород миқдорига таъсирини кўриб чиқамиз. 3.2-расмда эритма таркибидаги алюминий оксид миқдорининг литий миқдорига боғлиқлигини

кўрамиз.




3.2- расм. Қотишма таркибидаги алюминий оксид миқдорининг литий миқдорига боғлиқлик графиги.

Олинган натижалар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин, флюс печь ичида эритма устига ҳимоя қобиғи сифатида юкланганда, литий миқдори 2% дан кейинги ҳолатда ўсиб бориши эритма таркибидаги алюминий оксид миқдорининг тенг равишда камайишига олиб келади. Флюс шихта билан биргалиқда печга юкланиш жараёнида, литий миқдорининг 4% гача кўпайиши эритма таркибидаги алюминий оксид миқдорининг ошишига олиб келади, 4%дан миқдори ошганида алюминий оксид эритма таркибидаги фоиз миқдори камайиб боради. Флюсни ковшга эритма юклаш жараёнидан олдин юкланган шароитда, литий миқдори 3% гача ошиши эритма таркибидаги алюминий оксид фоиз миқдорининг ошишига олиб келади, 3% да сўнг фоиз миқдор камаяди. Флюсни ковшга эритма юклангандан сўнг юклаб миксерлаш натижасида, литийнинг фоиз миқдори 3% бўлгунча эритма таркибидаги оксид алюминий миқдори ошиб боради ва 3% дан сўнг эритма таркибидаги алюминий оксид фоиз миқдори камайиб боради. Бу ерда ҳам оксид алюминий фоиз миқдори флюсни шихта билан биргалиқда юклаш технологиясида минимал бўлади.

Барча тажрибалар 5-7 мартадан ўтказилиб, ўрта натижалар олинган.


Флюс таркибида $Li[AlH_4]$ миқдорининг эритма таркибидаги водород миқдорига таъсирини ўрганиш учун тажриба ўтказилди. Тадқиқот натижалари 3.3-расмда келтириб ўтилган.



3.3- расм. Эритма таркибидаги водород микдорининг Li[AlH4] микдорига боғлиқлик графиги.

Олинган натижалар асосида куйидаги хулосага келиш мумкин, флюс печь ичида эритма устига химоя қобиғи сифатида юкланганда, Li[AlH4] микдори 4% дан кейинги ҳолатда ўсиб бориши эритма таркибидаги водород микдорининг тенг равишда камайишига олиб келади. Флюс шихта билан биргаликда печга юкланиш жараёнида Li[AlH4] микдорининг 4% гача кўпайиши эритма таркибидаги водород микдорининг ошишига олдиб келади, 4%дан микдори ошганида водород эритма таркибидаги фоиз микдори камайиб боради. Флюсни ковшга эритма юклаш жараёнидан олдин юкланган шароитда литий микдори 3,5% гача ошиши эритма таркибидаги водород фоиз микдорининг ошишига олиб келади, 3% да сўнг фоиз микдор камаяди. Флюсни ковшга эритма юклангандан сўнг юклаб миксерлаш натижасида, Li[AlH4] нинг фоиз микдори 3% бўлгунча эритма таркибидаги водород микдори ошиб боради ва 3% дан сўнг эритма таркибидаги водород фоиз микдори камайиб боради. Бу ерда ҳам водород фоиз микдори флюсни шихта билан биргаликда юклаш технологиясида минимал бўлади.

Флюс таркибида Li[AlH4] микдорининг эритма таркибидаги алюминий оксид микдорига таъсирини ўрганиш учун тажриба ўтказилди. Тадқиқот натижалари 3.4 -расмда келтириб ўтилган.



3.4- расм. Қотишма таркибидаги алюминий оксид микдорининг Li[AlH4] микдорига боғлиқлик графиги.

Диссертациянинг “Ишлаб чиқариш шароитида ишланмани жорий қилиш ва математик моделини яратиш” деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган флюс таркибини синовдан ўтказиш натижалари ва ишлаб чиқарилаётган эритмага флюс юклаш технологияси, шунингдек, ҳарорат режимига боғлиқ ҳолда эритмани флюс билан қайта ишлаш жараёнининг математик модели келтирилган.

«UzAuto-Inzi» МЧЖ КК шароитида алюминий қотишмаларини эритиш учун ишлаб чиқилган флюс таркибини жорий этиш учун эритиш 2 режимда амалга оширилди. Биринчи режим янги ишланмадан олдин қўлланилган технологияга мувофиқ амалга оширилди, иккинчи режим уни қўллаш учун тегишли технология билан ишлаб чиқилган флюс таркиби ёрдамида амалга оширилди. Бу режимлар қиёсий таҳлил қилиниб, технологияларнинг ижобий ва салбий томонларини аниқлаш имконини берди. Амалдаги флюс таркиби ишлов бериш режимига тўғри келди.

Ҳимоя флюси сифатида 4.1-жадвалда келтирилган таркибдан фойдаланилди.

4.1- жадвал

№	Флюс қўлланилиши	Флюсинг оғирлик таркиби, %								
		NaCl	KCl	NaF	NaN	KN	CaO	CaCl ₂	Li	Li[AlH ₄]
1	Ҳимоя қатлами сифатида	40	20	5	3	3	10	15	2	2
2	Ҳимоя қатлами сифатида	40	30	5	3	3	10	5	2	2
3	Ҳимоя қатлами сифатида	50	20	3	2	3	8	7	3	4
4	Ҳимоя қатлами сифатида	50	30	3	3	2	2	2	5	3
5	Ҳимоя қатлами сифатида	40	30	5	5	5	4	2	5	4
6	Ҳимоя қатлами сифатида	40	30	2	2	2	12	7	1	4

Флюсинг шихта билан биргаликда юкланиши ва Li-2%; Li[AlH₄]-5% ва KCl-30% таркибли флюсдан фойдаланиш юқори самара берди. 4.2-жадвалда «UzAuto-Inzi» МЧЖ КК учун қўлланилган флюс натижалари келтириб ўтилган. Корхонанинг куёв цехида куввати 2500 кг/соат бўлган газ печларидан фойдаланилди.

4.2-жадвал

Флюс №	Эритмага қўшиш жараёни	Эритмада алюминий оксиди сони, %	Эритмада водород сони, см ³ /100 гр.
1	2	3	4
7	Печдаги суюқлик эритмаси устидаги химоя қатлами сифатида	5-7	0,38-0,40
7	Зарядни ўчоққа юклаш жараёни	2-5	0,28-0,32
7	Эритмани ўчоқдан тўкиб ташлашдан олдин тақсимловчи идишга солиш	3-5	0,30-0,36
7	Эритмани ўчоқдан тўкиб ташлангандан сўнг, миксер билан аралаштириб, тақсимловчи идишга солиш	5-6	0,33-0,35
7	Суюқлик устидаги химоя қатлами сифатида ўтказгичда эритиш	6-7	0,36-0,40

Солиштирма таҳлил учун эритиш жараёни флюс ёрдамида ва флюссиз ўтказилди. Флюс қўлланмаган ҳолатда атмосфера ва эритма бевосита таъсири натижасида, эритма таркибидаги оксид қўшимчалари 8-10% ни ташкил этди. Водород миқдори эса 0,64-0,66 см³ /100 гр ни ташкил этди. Флюс юклаш технологияси ва ишлов бериш режими самарадорликка таъсир қилади.

Тажрибадан аниқланган маълумотлар асосида шихтанинг суюқланишидан ҳосил бўлган қотишма таркибидаги водород ва оксид қўшимчалари миқдорининг юкланаётган шихта ўртача диаметрига боғлиқлик даражаси 1 - жадвалда келтирилган. Ушбу маълумотлар асосида қотишма таркибидаги водород ва оксид қўшимчаларининг миқдорий ўзгаришини математик моделлаштириш масаласини яъни математик функционал боғланишни аниқлаш ёрдамида тажриба натижаларини аналитик нуқтаи назардан аниқлаб, кейинги тажрибаларни ўтказмасдан математик баҳолашни кўриб чиқамиз. Тажриба натижасида олинган маълумотларни математик функция ёрдамида аниқлаш учун юқори даражали кўпхад коэффицентларини бир қийматли аниқлаш масаласига эквивалент ҳисобланади. Дастлаб юкланаётган шихтанинг ўртача диаметри ўзгариши билан қотишмадаги водород миқдорининг ўзгаришини аниқлаймиз. Жадвалда келтирилган тажрибадан аниқланган маълумотлар асосида қуйидагиларни келтириш мумкин:

$$\begin{aligned} d_1 &= 6\text{нм}, d_2 = 10\text{нм}, d_3 = 14\text{нм}, d_4 = 20\text{нм}, d_5 = 30\text{нм}; \\ \lambda_1 &= 0,52, \lambda_2 = 0,48, \lambda_3 = 0,44, \lambda_4 = 0,38, \lambda_5 = 0,34, \left[\frac{\text{см}}{100\text{г}} \right]. \end{aligned} \quad (1)$$

Алгебраик тенгламалар системаси қуйидагича бўлади:

$$\begin{cases} a_1 + 6a_2 + 36a_3 + 216a_4 + 1296a_5 = 0,52 \\ a_1 + 10a_2 + 100a_3 + 1000a_4 + 10000a_5 = 0,48 \\ a_1 + 14a_2 + 196a_3 + 2744a_4 + 38416a_5 = 0,44 \\ a_1 + 20a_2 + 400a_3 + 8000a_4 + 160000a_5 = 0,38 \\ a_1 + 30a_2 + 900a_3 + 27000a_4 + 810000a_5 = 0,34 \end{cases} \quad (2)$$

Ушбу бир жинсли бўлмаган алгебраик тенгламалар системасини Гаусс ёки Крамер усулида *Maple 13* дастурий пакети ёрдамида ечсак, қуйидаги ечимларга эга бўламиз:

$a_1 = 0,59312, a_2 = -0,01509, a_3 = 0,00069, a_4 = -0,00004, a_5 = 0$ бўлиб, шихтанинг ўртача диаметри ўзгариши билан қотишмадаги водород миқдорининг ўзгаришини характерлайдиган функция қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\lambda(d) = 0,59312 - 0,01509d + 0,00069d^2 - 0,00004d^3. \quad (3)$$

Ушбу ифода ёрдамида шихтанинг ўртача диаметри d нинг ўзгариши билан қотишмадаги водород миқдорини бир қийматли аниқлаш имконини

беради. Аниқлик даражасини кўрсатиш кўриш учун *Maple 13* дастуридан фойдаланамиз:

> restart;

>

>

```
solve( {x + 6·y + 36·z + 216·t + 1296·v = 0.52, x + 10·y + 100
      *z + 1000·t + 1002·v = 0.48, x + 14·y + 196·z + 2744·t
      + 38416·v = 0.44, x + 20·y + 400·z + 8000·t + 160000·v
      = 0.38, x + 30·y + 302·z + 303·t + 304·v = 0.34}, [x, y, z, t, v])
;
```

```
[[x = 0.5931250000, y = -0.01509375000, z = 0.0006906250000, t =
  -0.00003906250000, v = 7.81250000010-7]]
```

> $\lambda := 0.5931250000 - 0.01509375000d + 0.0006906250000d^2$
 $- 0.00003906250000d^3 + 7.812500000 \cdot 10^{-7} \cdot d^4;$

```
 $\lambda := 0.5931250000 - 0.01509375000d + 0.0006906250000d^2$   

 $- 0.00003906250000d^3 + 7.81250000010^{-7} d^4$ 
```

> eval(λ , d = 6);

0.5200000000

> eval(λ , d = 10);

0.4800000000

> eval(λ , d = 14);

0.4400000000


> eval(λ , d = 20);

0.3800000000

> eval(λ , d = 30);

0.3400000000

> plot(λ , d = 6..30);



4.1-расм. Шихтанинг ўртача диаметри d нинг ортиши билан қотишмадаги водород миқдорининг ўзгариши графиги

Энди юкланаётган шихтанинг ўртача диаметри ўзгариши билан қотишмадаги оксид қўшимчаларининг миқдорий ўзгаришини аниқлаймиз.

Жадвалда келтирилган тажрибадан аниқланган маълумотлар асосида қуйидагиларни келтириш мумкин:

$$\begin{aligned} d_1 &= 6\text{нм}, d_2 = 10\text{нм}, d_3 = 14\text{нм}, d_4 = 20\text{нм}, d_5 = 30\text{нм}; \\ \alpha_1 &= 7\%, \alpha_2 = 8\%, \alpha_3 = 7\%, \alpha_4 = 6\%, \alpha_5 = 5\%. \end{aligned} \quad (4)$$

Алгебраик тенгламалар системаси қуйидагича бўлади:


$$\begin{cases} a_1 + 6a_2 + 36a_3 + 216a_4 + 1296a_5 = 7 \\ a_1 + 10a_2 + 100a_3 + 1000a_4 + 10000a_5 = 8 \\ a_1 + 14a_2 + 196a_3 + 2744a_4 + 38416a_5 = 7 \\ a_1 + 20a_2 + 400a_3 + 8000a_4 + 160000a_5 = 6 \\ a_1 + 30a_2 + 900a_3 + 27000a_4 + 810000a_5 = 5 \end{cases} \quad (5)$$

Ушбу бир жинсли бўлмаган алгебраик тенгламалар системасини ҳам Гаусс ёки Крамер усулида Maple 13 дастурий пакети ёрдамида ечсак, тенгламанинг қуйидаги ечим илдизларига эга бўламиз: $a_1 = -6,1875$, $a_2 = 4,11801$, $a_3 = -0,40832$, $a_4 = 0,01603$, $a_5 = -0,00022$ бўлиб, шихтанинг ўртача диаметри ўзгариши билан қотишмадаги оксид қўшимчаларининг миқдорий ўзгаришини характерлайдиган функция қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\alpha(d) = -6.1875 + 4.11801d - 0.40832d^2 + 0.01603d^3 - 0.00022d^4. \quad (6)$$

Ушбу ифода ёрдамида шихтанинг ўртача диаметри d нинг ўзгариши билан қотишмадаги оксид қўшимчаларнинг миқдорий ўзгаришини бир қийматли аниқлаш имконини беради. Аниқлик даражасини кўрсатиш кўриш учун бу ерда ҳам Maple 13 дастуридан фойдаланамиз:

```
>  $\alpha := -6.1875 + 4.11801 \cdot d - 0.40832 \cdot d^2 + 0.01603 \cdot d^3 - 0.00022$ 
 $\cdot d^4;$ 
 $\alpha := -6.1875 + 4.11801d - 0.40832d^2 + 0.01603d^3 - 0.00022d^4$ 
> eval( $\alpha$ , d = 6);
6.99840
> eval( $\alpha$ , d = 10);
7.99060
> eval( $\alpha$ , d = 14);
6.96872
> eval( $\alpha$ , d = 20);
5.88470
> eval( $\alpha$ , d = 30);
4.47480
plot( $\alpha$ , d = 6..30);
```



4.2-расм. Шихтанинг ўртача диаметри d нинг ўзгариши билан қотишмадаги оксид қўшимчаларнинг миқдорий ўзгариши графиги

ХУЛОСА

«Алюминий қотишмаларини суюқлантиришда олинадиган қотишма таркибидаги газ қўшимчаларини камайтириш ҳисобига структурани яхшилаш учун флюс таркибини ва технологияни ишлаб чиқиш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Кимёвий элементларнинг кимёвий фаоллиги асосида алюминий қотишмаларини эритиш учун флюс янги таркиби ишлаб чиқилган бўлиб, бу эритма таркибидаги газ қўшимчаларининг таркибини камайтириш имконини беради. Бу алюминий қотишмаларини турли печларда эритиш технологиясини ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.
2. Флюс таркибий қисмлари ва алюминий қотишмасининг таркибий қисмлари ўртасида кимёвий реакциялар асосида алюминий қотишмаларини эритишда флюс қўллаш технологияси ишлаб чиқилган. Бу алюминий қотишмаларини суюқлантиришда ресурстежамкорликни таъминлаш имконини беради.
3. Флюс таркибий қисмларининг кимёвий фаоллиги ўзгариши асосида алюминий эритмасини ҳимоя флюси билан ишлов беришнинг термик режими ишлаб чиқилган. Бу алюминий эритиш жараёнида турли ҳароратда флюсдан унумли фойдаланиш имконини яратади.
4. Атмосфера ва суюқ қотишма ўртасидаги иссиқлик алмашинув жараёнлари натижасида газ қўшимчаларининг сингиши камайишини таъминлайдиган, алюминий эритмасига флюс юклаш технологияси ишлаб чиқилди. Бу ўз навбатида алюминий эритмасидаги газ қўшимчалари миқдорининг камайишини таъминлайди.
5. Суюқ эритманинг физик ҳолатига мос равишда, алюминий эритмасига печда ва печдан ташқари ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилган.

Бу ишлаб чиқариш корхоналарининг шароитига мос равишда флюсдан самарали фойдаланиш учун хизмат қилади.

6. Флюс таркибининг дисперслигига боғлиқ ҳолда, флюс юклаш жараёнининг математик модели ишлаб чиқилди. Бу эритиш режимига боғлиқ ҳолда оптимал ҳажмдаги флюс танлаш имконини беради.
7. «UzAuto-Inzi» МЧЖ ҚК нинг ишлаб чиқариш шароитига мос равишда алюминий қотишмаларини эритиш учун флюс таркиби ва флюс юклаш технологияси жорий этилди. Бунинг натижасида тўрт миллиард тўрт юз эллик миллион иқтисодий самара олиш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/30.12.2019.Т.03.04
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТУРИНСКИЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ В ТАШКЕНТЕ

ТУРАХУЖАЕВА ШИРИНХОН НОДИР ҚИЗИ

**РАЗРАБОТКА СОСТАВА ФЛЮСА И ТЕХНОЛОГИИ ПЛАВКИ
АЛЮМИНИЕВЫХ СПЛАВОВ ДЛЯ УЛУЧШЕНИЯ СТРУКТУРЫ ЗА
СЧЕТ СНИЖЕНИЯ ГАЗОВЫХ ВКЛЮЧЕНИЙ В ПОЛУЧАЕМОМ
РАСПЛАВЕ**

**05.02.01 –Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.
Термическая обработка и обработка металлов давлением. Metallurgy чёрных,
цветных и редких металлов. Технология уникальных, редких и радиоактивных
элементов (по направлению литейного производства и технологии обработки
металлов)**

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.2.PhD/T2291

Диссертация выполнена в Туринском политехническом университете в Тапкенте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.tdtu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Сайдахмедов Ровшан Ҳолходжаевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Зиямухамедова Умида Алижоновна
доктор технических наук, профессор

Атажанов Гапур Латибович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «22» декабрь 2021 г. в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.03.04 при Тапкентском государственном техническом университете. (Адрес: 100095, г. Тапкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 2. Тел./факс:(99871) 227-10-32, e-mail: (tadqiqotchit@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Тапкентского государственного технического университета (зарегистрирована за № 232) (Адрес: 100095, г. Тапкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 2. Тел./факс: (99871) 227-10-32).

Автореферат диссертации разослан «09» декабря 2021 года.
(реестр протокол рассылки № 130 от «09» декабря 2021 года).



К.А.Каримов
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, профессор

Ш.Б.Ташбулатов
Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор философии по техническим наукам

Н.С.Дуняшин
Председатель Научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире на сегодняшний день разработка технологий по ресурсо-и энергосбережению при плавке алюминиевых сплавов приобретает особую важность. Ресурсосбережение сплавов при плавке алюминиевых сплавов имеет особую значимость в виду особенностей теплообменных процессов, при которых происходят насыщение сплавов газовыми и неметаллическими включениями. В связи с этим разработка защитных флюсов для снижения газовых и других неметаллических включений, оптимизация процесса плавки и повышение качества получаемых отливок из алюминиевых сплавов является одной из важных задач современности. В этом направлении во многих развитых странах, включая США, Канаду, Германию, Францию, Корею, Японию, Россию, Украину и Китай уделяется особое внимание снижению газовых и других неметаллических включений в расплаве из алюминиевых сплавов.

Во всем мире проводятся целевые научно-исследовательские работы по созданию новых и усовершенствованию существующих технологий плавки алюминиевых сплавов, разработка новых более эффективных составов защитного флюса, применяемых при плавке, разработке технологии введения защитных флюсов для плавки алюминиевых сплавов. В странах СНГ, в том числе России, Украине и Узбекистане разрабатывают новые технологии для повышения качества расплавов получаемых при плавке алюминиевых сплавов. В этом направлении приобретает особое значение проведение научных исследований по разработке новых составов защитных флюсов, позволяющих предотвратить окисление алюминия кислородом и насыщения расплава газовыми включениями.

В Республике Узбекистан ведутся исследовательские работы по усовершенствованию технологий плавки алюминиевых сплавов, а также составов защитных флюсов для плавки алюминиевых сплавов, позволяющих повысить качество расплава при плавке. Кроме этого проводятся объемные исследования как повышение эффективности ведения плавки, так и применение новых защитных материалов и конструкций для обеспечения этих технологий. Ввиду этого, необходимо повысить приоритет проводимых научно-исследовательских работ по разработке эффективных составов защитных флюсов, повышению эффективности применения флюсов при плавке широко применяемых в производстве алюминиевого сплава.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи, включая «... укрепление макроэкономической стабильности и сохранение высоких темпов роста экономики, повышение ее конкурентоспособности, ... сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство ресурсо-и энергосберегающих технологий»². Для выполнения данных задач,

² №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

в частности для обеспечения качества расплава при плавке алюминиевых сплавов, первоначально важной задачей считается разработка новых составов защитных флюсов и технологии введения плавки с применением этого флюса. Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях № ПП-2698 от 26 декабря 2016 года «О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 годы», № ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию научно-технической базы в сфере сельскохозяйственного машиностроения», № ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Ведущие учёные мира разработали различные технологии по созданию новых и усовершенствованию существующих технологий плавки алюминиевых сплавов, разработки новых более эффективных составов защитного флюса применяемых при плавке, технологии введения защитных флюсов для плавки алюминиевых сплавов.

Совместная исследовательская группа Университета Калифорния (США) и Университета Жинан (Китай) Min Zuo, Maximilian Sokoluk, Chezheng Cao, Jie Yuan, Shiqi Zheng, Xiaochun Li (Department of Mechanical and Aerospace Engineering, University of California Los Angeles, California), Min Zuo (School of Materials Science and Engineering, University of Jinan, Jinan, 250022, People's Republic of China) работали по улучшению качества алюминиевого сплава, где применяли наночастицы TiC (20 мкм) и достигли повышению механических характеристик (Твердость от 110 HV до 180 HV) благодаря их высокой температуре плавления, высокой жесткости, высокой твердости, хорошей термической стабильности и низкому коэффициенту теплового расширения. Для изучения процесса образования оксидов алюминия и диффундирования газов в расплав ученые Канады Т.А. Utigard, R.R. Roy и К. Friesen провели ряд экспериментов, которые более наглядно показывают процесс образования окислов. Так как продукты сгорания природного газа имеют в своём составе пары воды, во всех газовых печах эта реакция неизбежна, предотвращение воздействий паров воды на поверхность алюминиевого расплава позволило снизить газосодержание металла на 6-8 %. Группа ученых из Великобритании и Италии Annalisa Pola, Marialaura Tossi

and Plato Kapranos усовершенствовали технологию получения алюминия путём обработки полутвердого металла с обработкой при высокой скорости нагрева и медленного охлаждения приводящий к сферообразной структурой сплава что в итоге привело к улучшению механических свойств. Для уменьшения смачивания оксидных каркасов захваченным алюминием ученный из Германии Jean Ducrocq предложил регулярного снятие с поверхности вплаваемого алюминия пена, с целью уменьшения энергозатраты за счет удаления оксида алюминия с поверхности, так как окисной слой ухудшает теплопередачи на глубину расплаваемой ванны. Китайские исследователи Цзанг Лиго, Ван Вэньхун, Ма Тао, Фань Цзяньхай, Ван Хуэйлинь, Хао Лижун, Чэнь Шао Лонг, Ма Минмин, Чжао Нана разработали безнатриевую добавку флюса для алюминиевых сплавов, его компонента представляет собой фторалюминат калия(15-25%), фторид кальция (5-15%), соль полыни(10-25%), сульфат калия(10-25%), сульфат бария(5-15%), Репон К(15-30%) и безводный хлорид алюминия(3-5%). Ученный из Харбинского университета Цзунъян Чжан получил патент на состав флюса хлорид калия (20-65 % по массе), хлорид натрия(20-65 % по массе), хлорид лития(1-20 % по массе), фторид калия(0,3-5 % по весу) и гидросульфат натрия(0,2-3 % по весу), эффективно предотвращающей окисление алюминия в процессе плавки алюминия и увеличивает выход алюминия.

